

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ –
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН МОЛИЯ
БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ:
ИННОВАЦИЯЛАР ТРАНСФЕРИ, ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАР, РЕЙТИНГЛАР ВА
ИНДЕКСЛАР**

**мавзусида республика илмий-амалий
конференция тезислари тўплами**

Тошкент-2018 йил

МУНДАРИЖА

МУНДАРИЖА.....	3
----------------	---

1 СЕКЦИЯ.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ: МОЛИЯВИЙ КАПИТАЛ МИГРАЦИЯСИ, ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИ ВА РИСКЛАР

Бутиков И.Л. Интеграция рынка ценных бумаг Узбекистана в зарубежные рынки капитала.....	10
Бердияров Б.Т. Банк тизими барқарорлигини стресс-тестлаш асосида баҳолаш.....	13
Бекмуродов А.Ш. Жумаев Н.Х. Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари.....	15
Котов В.А. К вопросу институционального укрепления механизма.....	25
Хамидулин М. Повышение эффективности разработки и финансирования государственной программы развития.....	27
Нормухамедов С. Р. Халқаро банк кредитларининг ривожланиш хусусиятлари.....	29
Додиев Ф. Ў. Ўзбекистонда “яшил ипотека кредити”ни ривожлантириш: хорижий тажриба.....	32
Бобакулов Т.И. Тижорат банкларининг ташқи савдони молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари.....	34
Жумаев Н.Х. Норова Н. Ўзбекистонда ислом банк-молия тизимини ривожланиши истикболлари.....	36
Рахимова Х.У. Банкларнинг чакана тўлов хизматларини инновацион ривожлантириш муаммолари.....	39
Бадалов Б. Избоев Н. Тижорат банкларида муаммоли активларни камайтириш масалалари.....	41
Азларова А.А. Тижорат банкларининг инновацион банк хизматларининг ривожланишида маркетинг фаолиятдан фойдаланиш: муаммолар ва ечимлар.....	43
Khakimova Z.B. Importance and task of analyzing financial performance of a commercial banks.....	46
Қурбонов Д. Тижорат банкларини ликвидлилик кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида бошқариш.....	48
Мирзаахмедов М. Банк ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда трансферт нарх шаклланиш тизимининг ўрни.....	51
Қудратов Б.О. Банкларда бошқарув қарорларини қабул қилинишида ички аудитнинг ўрни ва ва текширувлар натижаларини рақамлаштиришнинг аҳамияти.....	52
Эгамова М.Э. Рейтинговая оценка деятельности коммерческих банков в Республике Узбекистан.....	54
Маъмуров Б. Х. Иқтисодий барқарорликни таъминлашда банк-молия тизимининг роли.....	57
Бобоев Қ. Н. Мамлакат иқтисодиёти ривожидида банк инвестицион кредитларининг самарадорлигини ошириш.....	59
Раҳимов А.М. Тижорат банкларига депозитларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш.....	61
Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларининг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари.....	63
Бабаджанов Т. Тижорат банкларида мажбурий резервлар ҳисоби ва аудити.....	65
Абраев Н.К. Тижорат банкларининг хорижий банклар билан вакиллик муносабатларини ривожлантириш йўллари.....	67
Шарбат А. Банк назорати бўйича базель қўмитаси талаблари такомиллашуви.....	69
Норов А.Р. Ўзбекистонда банк тизимини махсус ислом дарчалари орқали ривожлантириш истикболлари ва имкониятлари.....	70

– Банда муаммоли кредитлар бўйича зарарларни қоплаш захирасини шакиллантириш ва бошқалар.

Муаммоли кредитлар юзага келиш сабаблари бўйича бир-биридан фарқ қилсада, уларни олдини олишда қуйидаги ёндашишлар кўл келиши мумкин:

- Қарзни реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқиш;
- Қўшимча харажатлар ва кафолатлар олиш;
- Қўшимча фондларни тўхтатиш ёки қўшимча инъекция қилиш;
- Гаровларни сотиш;
- Бошқа активларни сотиш;
- Кафолат бўйича тўловни талаб қилиш;
- Бошқарувни алмаштириш;
- Менежмент ишларини олиб бориш;
- Ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқиш ва бошқалар.

Мамлакатимизда муаммоли активларни камайитириш бўйича яна бир ёндашиш сифатида, жакон тажрибаларига асосланган холда коллекторлик ташкилотларни ташкил қилиш мумкин. Бу билан тижорат банкларини муаммоли активларини уларга сотиш орқали муаммодан тез фурсатда қутилиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Ш.З.(2017) “Кредит ва кредитлаш амалиёти” .-Т.: Иқтисод - молия, 2017.-Б. 225-228;

2. Рублева Е. (2012) “Инструменты управления проблемной задолженностью банков” статья // www.google scholar. Академия Google;

3. Банковский надзор: Европейский опыт и Российская практика. Пособие. Под ред. Микаэля Ольсена. М. 2005;

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Фоиш ўстирмаслик тартиби тўғрисида”ги Низом (2004). №1304;

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом (2015). №2696.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

и.ф.н. доц., А.А.Азларова

Тошкент давлат иқтисодий университетини

Банк маҳсулотлари ва хизматларини сотиш – ҳар қандай кредит ташкилоти фаолиятида энг муҳим босқичдир. Ҳозирги шароитда банк бизнесини ривожланиши банк маҳсулотлари ва хизматларини бозорга олиб чиқиш учун информацион технологиялардан кенг фойдаланиш, энг янги техникавий воситалар ва илғор банк технологияларини жорий қилиш, шунингдек, хизматларнинг жозибадорлигини оширувчи банк услубларини излаш билан боғлиқдир.

Банк хизматлари бозорида янги киритилаётган усуллардан фойдаланаётганда банк маркетингини амалга ошириш давомида банк жараёнларини такомиллаштиришга таяниб ва янги банк технологияларидан фойдаланган холда маркетинг хизмати истикболли мижозларга хизматлар тўғрисида тўлиқ ҳажмда ахборот тақдим этиш ва шу тариқа ушбу хизматлардан фойдаланишга ундайди.

Республикамизда бугунги кунда 28 та тижорат банклари фаолият юритмоқда ва уларнинг барчасида “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” маркетинг стратегияси йўлга қўйилган.

Банк маркетингининг асосий мақсадларидан бири янги мижозларни доимий

тарзда жалб қилиш ҳисобланади ва бу борада республикаимиз банк тизимида амалга оширилиши зарур бир қатор устивор вазифалар мавжуд.

Бу борада, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев, “ Иқтисодийни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодий”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур” деб таъкидлаб ўтганлари алоҳида аҳамиятлидир²³.

Бугунги кунда республикаимиз тижорат банкларида тўлов тизимларини ривожлантириш борасидаги илғор хорижий тажрибадан самарали фойдаланиб, ахборот-коммуникация технологиялари асосида, вақтни тежаган ҳолда масофадан туриб янги инновацион банк хизматлари кўрсатишнинг кенгайтирилиши натижасида, тўловларни тезкорликда ўтказиш имконияти ортиб, банк хизматларининг шаффофлиги ва самарадорлиги ҳам таъминланмоқда.

Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини кенг жорий қилишда айниқса мобиль телефонларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга, чунки мобиль иловалар орқали, мобиль операторлар, интернет провайдерлар хизматлари учун тўловлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, табиий газ, электр энергия ва бошқа коммунал тўловларини ҳам амалга ошириш имконияти яратилган.

Натижада, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 2017 йилнинг бошига нисбатан қарийб 2,2 баробарга ошиб, 4,5 млн. тани ташкил қилган. Шундан банк пластик карточкалари ва банк депозит ҳисобварақлари бўйича банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 4,2 млн.дан ортиқни, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сони 228 мингтани ташкил этган.(расм).



Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони, мингта (1 январь ҳолатига)²⁴

Шу билан бирга, банк хизматлари бозорида истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, республикаимизнинг чекка ва олис ҳудудларида риюя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтиришда, банклар томонидан хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан:

– янги банк хизматлари ва маҳсулотлари яхши самара бермаётганлигининг сабаблари бўлиб, банкда маркетинг сиёсатининг мукамал эмаслиги; кўпгина банкларда янги маҳсулотлар иқтисодий вазифаларининг фарқланмаслиги, асосий

²³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22. 12. 2017. www. Lex.uz.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. -77 бет. www.cbu.uz.

локомотив янги маҳсулот ёки хизматнинг жорий қилинмаганлиги;

– миждозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги натижасида, чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги;

– банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги сабабли чакана тўлов тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилиқ даражаларига таъсир кўрсатаётганлиги каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, республикада тўлов хизматлари бозорини тартибга солиш бўйича қонунчилиқ асосларини яратиш, унинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, банк хизматларининг оммабоплигини ошириш, шунингдек рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида 2018 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.²⁵

Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида Миллий банклараро процессинг маркази (МБПМ) ташкил қилинади. Ушбу марказ ягона унификацияланган тўлов инфраструктурасини шакллантириш орқали:

– молия технологияларини ривожлантириш, банк хизматларини рақамлаштириш ва чакана банк хизматлари оммабоплигини ошириш учун рақобат муҳитини ривожлантиришни;

– чакана тўлов тизимлари фаолиятининг ишончлилигини оширишни;

– тижорат банклари томонидан замонавий банк маҳсулотларини амалиётга татбиқ қилиш учун имкониятлар яратишни таъминлайди.

Мавжуд чакана тўлов тизимларининг МБПМ билан интеграллашуви банк карталари эгаларига ноқулайликлар яратмаган ҳолда, уларнинг ўзаро биргаликда фаолият кўрсатиши ва ривожланишига имкон яратади. Чакана тўлов тизимлари рақобат муҳитида мақбул тарифлар ва янги маҳсулотларни тақлиф этган ҳолда келгусида ҳам мустақил ривожланишлари мумкин.

Шунингдек, 2018 йил якунига қадар Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланган. Мазкур лойиҳада миллий тўлов тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, тўлов хизматлари бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиби, шунингдек миллий тўлов тизими субъектларини лицензиялаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ёритиш ҳам назарда тутилган.

Шу билан бирга, мобиль-илова тўлов дастурлари имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг Клиринг тўлов тизими асосида банклардаги ҳисобварақларини бошқариш, банк пластик карта ҳисобварағидан банк пластик карта ҳисобварағига, депозит ҳисобварағидан депозит ҳисобварағига тўловларни амалга ошириш, онлайн кредитлар бериш (кредитларни сўндириш) ва тўловларни амалга ошириш, онлайн жамғармалар очиш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи механизмлар жорий қилинмоқда.

Юқоридаги янги механизмларнинг ягона платформада жорий қилиниши, банк миждозлари – жисмоний шахсларга банкдаги ўз ҳисобварақларини ҳар куни 24/7 тамойили асосида бошқариш ҳамда пул маблағларини тасарруф этиш имкониятини яратади.

Фикримизча, республикада банк хизматлари бозорида илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда инновацион банк хизматларининг диверсификация даражасини ошириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги тақлифларни инобатга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

– янги хизмат турлари бўлган интернет-банкнинг, мобил-банкнинг тизимлари, ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг янги моделларини жорий этиш лозим.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2018 йил 19 сентябр. [www. Lex.uz](http://www.lex.uz).